

2018 йилнинг январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқарилиши

РАҚАМЛАР:


- Саноат ишлаб чиқариш ҳажми **2171,2** млрд . сўмни,
- Ўсиш суръати **112,9 %**ни ташкил этди
- Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати – **103,8%**
- Саноат ишлаб чиқаришнинг кичик бизнесдаги улуши-**11,8%**
- Саноат ишлаб чиқаришнинг ЯХМ даги улуши-**40,1%**

Дастлабки маълумотлар бўйича 2017 йилнинг январь-март ойларида республика корхоналари томонидан 2171,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 112,9% ни ташкил этди.

Жами саноат илаб чиқариш ҳажмининг ўсишининг асосий омили бўлиб, қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,1% га, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашнинг – 14,1% га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 15,8% га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг-65,6% га ўсиши ҳисобланади.

2018 йилнинг январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби.

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ишлаб чиқарадиган саноатда 1919,0 млрд.сўмни ёки жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 88,4% ни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда 144,3 млрд.сўмни (6,6% ни), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда 80,3 млрд.сўмни (3,7% ни), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда 27,6 млрд.сўмни (1,3% ни) ташкил этди.

Қайта ишлаш саноати таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилнинг январь-март ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, кийим ва тўқмачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 9,3% га, киме маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларни ишлаб чиқаришда 14,2% га, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришда-12,3% га маҳсулотлар ҳажми ўсиши кўзатилмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йилнинг январ-март ойлари учун)

	<i>Млрд.сум</i>	<i>2017 йилнинг январь-мартга нисбатан фоизда</i>
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш-жами	2171,2	112,9
<i>Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш</i>	80,3	114,1
<i>улардан:</i>		
хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	63,9	117,5
тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	7,8	103,7
тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	8,6	101,4
<i>Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати</i>	1919,0	112,1
<i>улардан:</i>		
озик -овқат ва ичимликлар ишлаб чиқариш	218,2	104,1
кийим ва тўқмачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	211,5	109,3
ёғоч ва пўкак буюмлар, паҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	10,0	99,6
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,2	104,7
киме маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларни ишлаб чиқариш	1420,7	114,2
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	0,3	101,5

	<i>Млрд.сум</i>	<i>2017 йилнинг январь-мартга нисбатан фоизда</i>
бошқа нометалл минерал маҳсулотларини ишлаб чиқариш	54,2	112,3
металлургия саноати	0,09	104,1
электр ускуналар ишлаб чиқариш, машина ва ускуналарни ўрнатиш ва таъмирлаш	1,5	100,8
машина ва ускуналардан ташқари тайер металл буюмларни ва бошқа тайер буюмларни ишлаб чиқариш	2,3	100,8
<i>Электр, газа, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</i>	144,3	115,8
<i>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</i>	27,6	165,6

Тоғ-кон саноатида оҳактош қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,7%га, табиий газ конденсати-20,3%га, табиий газ қазиб олиш-20,3% га ва шлак -18,2% га ошганлигин кузатиш мумкин.



Қайта ишлаш саноатида кислород ишлаб чиқариш 6,8 маротаба, гуруч-31,7%га, ароқ-15,9%га, полиэтилин-14,5%, полипропилин-14,6% га ошган бўлса, гушт, нон, макарон, ош тузи, нотўқима материаллар, бетон ва цемент, бетон еки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлари ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада пасайганлигини кузатиш мумкин.



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда иссиқлик энергия ишлаб чиқариш 1,3%га ошган бўлса, электр энергияси эса 11 %га камайганлигини кузатиш мумкин.




**Натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини
ишлаб чиқариш ҳажми
(йирик корхоналар кесимида)**

	<i>Миқдори</i>	<i>2017 йилнинг январь-мартга нисбатан фоизда</i>
<i>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</i>		
табiiй газ конденсати, минг.т.	44,39	120,3
табiiй газ млн. м3	1609,481	118,9
оҳактош, т	41178	121,7
<i>Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати</i>		
пахта толаси, т	23641	96,9
пахта еги (тозаланган),т	4958,0	98,1
тозаланган гуруч, т	1461,1	131,7
юмшоқ буғдой ва спельта уни, т	18876,8	96,2
ароқ, минг л 100%ли спирт	1031,794	115,9
пахта толасидан йигирилган ип, т	1019,5	105,6
кислород, минг.м3	4,074	679,0
динатрия карбонати, минг.т.	49,1	101,9
полипропилен, т	25315,28	114,6
<i>Электр, газа, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</i>		
иссиқлик энергияси, минг.Гкал.	15,4	101,3
электр энергияси, млн. кВтч.	111,9	89,0

Тайер маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 3,8%га ўсишига таъсир кўрсатди ва жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 11,7 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари



(2018 йил январь-март ойлари учун)



2017-йилнинг январь-мартига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 2018 йилнинг январь-март ойларида 26,5% дан 27,0% га ошиши кузатилмоқда.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да


(январь-март ойлари учун)



Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Амударё (2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 120,0%га), Қонликўл (117,1%га), Мўйноқ (116,8%га), Қораўзақ (115,6%га) ва Таҳиатош туманларида (114,9%га) ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ошиши таъминланди.



Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари
(2018 йилнинг январь-март ойлари учун)
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида Нукус шаҳри (умумий ҳажмининг 70,7% улушини), Таҳиатош (4,5%), Хўжайли (3,5%), Мўйноқ (3,1%), Амударё (3,0%) туманлари ҳиссаларига туғри келмоқда. Шу билан бирга энг кам улуш Шуманай (0,2%), Нукус ва Тахтақўпир (0,3%), Чимбой (0,8%) ва Қораўзақ (0,9%) туманларига туғри келади.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми


(2018 йил январь –март ойлари учун)

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда¹⁾</i>	<i>2017 йилнинг январь- мартига нисбатан % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўмда¹⁾</i>	<i>2017 йилнинг январь- мартига нисбатан % да</i>
Қорақалпоғистон Республикаси	2171,2	112,9	253,1	103,8
Амударё	64,6	120,0	17,2	100,1
Беруний	60,8	102,5	24,3	100,8
Қонликўл	51,7	117,1	4,6	126,7
Қараўзак	18,5	115,6	7,2	115,9
Кегейли	39,6	107,0	7,0	100,3
Қўнғирот	38,7	109,1	20,6	112,3
Мўйноқ	68,1	116,8	2,8	105,5
Нукус	6,2	104,0	4,6	100,1
Тахиатош	97,5	114,9	15,6	106,9
Тахтакўпир	5,6	109,2	2,9	100,2
Тўрткўл	45,2	102,1	24,9	103,3
Хўжайли	76,4	107,4	32,3	100,0
Чимбой	17,5	102,0	10,5	100,3
Шуманай	5,4	107,5	5,3	108,5
Элликқалъа	39,4	102,1	12,4	104,2
Нукус ш.	1536,0	114,2	60,9	103,4

¹ Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

Худудларнинг республика жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши


(2018 йил январь – март ойлари учун)



Аҳоли жон бошига sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш табақаланишининг таҳлили Нукус шаҳрида (4930,8 минг сўм), Мўйноқ (2203,8 минг сўм) ва Тахиатош туманида (1354,5 минг сўм ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (1176,9 минг сўм) анча юқарилигини кўрсатмоқда.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига sanoat маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг.сўмда

(2018 йил январь – март ойлари учун)



Кичик тадбирколик субъектлари саноат фаолятининг кескин ўзгариб бориши натиъжасида улар томанидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,0% га ошишини таъминлади. Агар жами саноатда кичик бизнеснинг улиши 11,8% ташкил этган бўлса, қайта ишлаш саноатида унинг улуши 12,9% ни ташкил этди.

2018 йил январь –март ойларида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатти, мазкур дастур доирасида 1105,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб 109,2 млн. АКШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди.

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 мартаба ошиши кузатилди.

Саноат статистикаси бўлими

Нашр учун маъсул:

Т. Гулмурзаева

Алоқа телефони:

(0371) 230-82-09